

## МАЛИК РАБОТНИНГ ТАРИХИЙ ЎРНИ ҲАҚИДА ДАСТЛАБКИ МУЛОҲАЗАЛАР

**Ҳасанбоев Тўракул Фозилжон ўғли**

Жizzах Давлат педагогика университети докторанти,

**Аннотация:** Ушбу мақолада Жizzах воҳасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижасида XIV-XVI асрлар ёзма манбаларида келтирилган айрим тарихий жойларларнинг локализацияси таҳлил қилинган. Мақолада Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар, шайбоний хукмдор вакиллари даврида катта стратегик аҳамият касб этган Малик работ (Работи Малик) қўргони ҳамда унинг мавжуд манбалар таҳлили асосида тарихий ўрни ҳақида фикрлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Работи Малик, Зафарнома, Абдулланома, Номсиз шаҳар харобалари, Амир Темур, Равот қишлоғи, Малик ота масжиди.

**Abstract:** In this article, the scientific researches carried out in the Jizzakh oasis in recent years and the localization of some historical places mentioned in the written sources of the XIV-XVI centuries as a result of them are analyzed. The article presents opinions about Malik rabat (Raboti Malik) fort, which gained great strategic importance during the reign of Sahibkiran Amir Temur and the Timurids, representatives of the Shayban ruler, and its historical place based on the analysis of available sources.

**Key words:** Raboti Malik, Zafarnama, Abdulnama, Ruins of the Nameless City, Amir Temur, Rawat village, Malik ata mosque.

Қадим Уструшона мамлакатининг ғарбий, шимоли-ғарбий сарҳадларида жойлашган Жizzах воҳаси антик ва ўрта асрларда содир бўлган тарихий-маданий жараёнлар, ижтимоий-иктисодий юксалишлар, шунингдек,

ривожланиш ва инқироз ҳолатлари, чет эл босқинчиларига қарши озодлик курашлари каби юртимизнинг ранг - баранг тарихидан далолат беради.

Жиззах воҳаси(вилояти) сўнгги йилларда ўтказилган археологик қидирув ва қазув тадқиқотлари натижасида 400 дан ортиқ турли даврларга (сўнгти тош даври, темурийлар даврига) оид археология мероси обьектлари аниқланган ва уларнинг қадимги шаҳар ва қишлоқ қурилиш маданияти, ўтрок дехқон ва кўчманчи чорвадорлар тарихига даҳлдор ёдгорликларда (15 дан ортиқ) қазув тадқиқотлари олиб борилган. Замонавий технологиялар асосида воҳанинг археология ёдгорликлари мажмуасини тузиш ва уларни харитага тушириш ишлари давомида мазкур ёдгорликларнинг аксарияти Туркистон, Моргузар, Нурота тизма тоғларидан бош олган Сангзор, Зоминсув каби кичик дарёлар, Хўжамушкентсой, Шўрбулоқсой, Пишағорсой, Равотсой, Сайхонсой, Оқбулоқсой, Илончисой, Мажрумсой сингари оқар сув манбалари ҳавзасида бунёд этилгани ва уларнинг кўплари қадимги даврдан ўрта асрларга қадар фаолият кўрсатгани аниқланган.

Юқоридаги фикрларга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, охирги йилларда Жиззах воҳасининг XIV –XVI асрлар маданияти тарихи мавзуси бўйича қазув тадқиқотлари ўтказилмоқда. Сўнгги ўрта аср манбаларида келтириб ўтилган жой номлари ўрганилиб, илмий асосланган ҳолда, маълум бир ёдгорликлар билан локализация қилинмоқда. Масалан: Мирзо Бобурнинг “Бобурнома”сида келтирилган “Халилия” кенти [Бобур,1989. 86 б ] Қалиятепа шаҳар харобалари билан локализация қилинди. Ушбу давр манбаларида яна бир тарихий жой Работи Малик ҳақида ҳам маълумотлар келтириб ўтилган. Айни кунларда Работи Маликнинг ўрни деб эътироф этилган археология обьектида қазув ишлари олиб борилмоқда. Даствор, Работи Малик ҳақида XIV –XVI асрлар яратилган манбаларнинг маълумотлари ва уларнинг таҳлилига тўхталиб ўтамиш.

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида ёзилган тарихий асарларда Жиззах ва унинг атрофидаги тураг-жойлар ҳақида етарли даражада маълумотлар келтирилган. Амир Темур топшириғи билан унинг ҳаётлиги чоғида ёзиб тугалланган Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асаридаги

Амир Ҳусайннинг Амир Соҳибқирон томонига лашкар тортиб келганлиги баёнида қуйидаги: "...Амир Ҳусайн катта бир лашкарни мукаммал тартиб билан олиб чиқиб, Қаровнос ва Шахрисабздан ўтиб, Солорбулоққа келиб тушди. ...Малик икки минг киши билан Сўзангаронда турди, Жаҳоншоҳ бир минг беш юз киши билан Работи Маликка келиб тушди. Яна бир минг киши Еттикудуқ йўлининг бошига Дизакнинг Харман (мавзеи) га келиб тушди", [Шомий, 1996. 68-69 б] қабилидаги фикр келтирилади. "Зафарнома" асаридаги ушбу маълумотлар 1367-1368 йиллар воқеаларига бағишлиланган бўлиб, унда Амир Ҳусайнни Амир Темурга қарши лашкар тортгани, Дизак ва унинг яқинидаги Харман мавзеи, Малик работи ҳақида батафсил маълумот берилган. Бу ҳудудда содир бўлган ҳарбий ҳаракатлар, сиёсий воқеалар борасида қуйидаги хабарлар келтирилган: "...Амир Соҳибқирон амир Кайхисрав билан келишган ҳолда икки минг мўғул аскари амир Ҳусайн лашкари томон йўлга тушди. Амир Соҳибқирон беш юз отлиғ билан лашкарнинг манглойи бўлиб, Хавосдан чиқиб келиб, Жаҳоншоҳ лашкарига тўсатдан ҳужум қилди, уларни пароканда ва зеру забар этди. Ўша куни Дизак мавзеига етдилар..." [Шомий, 1996. 69 б].

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Амир Темур беш юз отлиқ қўшин билан Хавосдан чиқиб, Жаҳоншоҳ лашкари томон яъни, Работи Маликка қўшин тортган, уларни тор мор этиб, у ерни эгаллаган ва шу куннинг ўзида Дизак (Жиззах Ўрдаси) мавзеига етиб борган.

Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида Дизак ва унинг атрофидаги қўрғон ва кентлар: Работи Малик, Йом, Хавос ҳақида маълумотлар берилган. Муаллифнинг ёзишича, бу даврда соҳибқиронга қарашли зарбдор сипоҳ Жиззахда мунтазам турган ва Дизак-Чиноз йўналиши

орқали ўтадиган «Етти қудук» йўлини кўриқлаган. Амир Темур давлат тепасига келгунча Жиззах учун аввало мўғул-жеталар билан, сўнгра Амир Ҳусайн билан қуролли тўқнашув бўлиб ўтган

«Зафарнома»нинг 1367-1368 йилларга бағишлиланган бобида қуйидаги маълумотлар келтирилган: "Бу маҳалда Кайхусравбек ҳазрат соҳибқироннинг

кейнида киши йибариб, хабар қилдиким: «Жета черики мусулмонларни асир этиб ва талаб Дизақдин қайттилар. Мен юз киши билан Работи Маликда сизга мунтазир ўлтуруубмен». Бу хабар келгон жиҳатидин ҳазрат соҳибқироннинг муборак хотири малул бўлуб, Кайхусравбекка қўшулди ва дедиким: «Мусулмонларни кофирлар эликида қўйса бўлмас. Аларни қутқармоқ фикрин қилмоқ керак...» [Али Яздий, 1992. 36, 54-55 б].

Ушбу маълумотлардан ҳам кўриш мумкинки, Амир Темур фаолияти билан боғлиқ жангларда Жиззах воҳаси, ундаги қўргон ва кентлар жумладан, Работи Малик муҳим аҳамият касб этган.

Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарларидаги маълумотлардан кўришимиз мумкинки, Амир Темур фаолияти давомида Жиззах воҳаси ва унинг атрофидаги ҳудудлар ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга ҳудуд сифатида қаралган ҳамда бу даврда Соҳибқиронга тегишли асосий қўшинлардан бири Жиззахда мунтазам турган.

Мирзо Улугбек ҳукмдорлиги (1409-1449) Тошкент, Еттисув ва Мўгулистондаги темурийларга қарши мухолиф кучлар ҳаракатининг фаоллашув даврига тўғри келади. Шу сабабли Самарқандга ўтиш йўли Илонўтти дарасини қўриқлаш учун мудофаа занжири ҳосил қилган Жиззах воҳасидаги Қалиятепа, Ўрда, Равот, Молтоп қалъа-қўрғонлари қайта таъмирланган, ҳарбий кудрати оширилган. 1425 йилда Улугбек жеталар юрти Мўгулистонга ҳарбий юриш қилади ва мўғул хони Шермуҳаммадхон устидан ғалаба қозонади. Ушбу ёрқин ғалаба ҳақидаги маълумот «Темир дарвоза»нинг баланд қояларидан бирига ўйиб ёзилган ва абадиятга муҳрланган [Аминжанова М.... 1974. 86 б].

Жиззах воҳасида жойлашган қалъа-қўрғонлар нафақат Соҳибқирон Амир Темур ва темурийзода ҳукмдорлар, балки шайбоний сулола вакиллари даврида ҳам ўз ҳарбий-стратегик аҳамиятини йўқотмаган.

Шайбоний Абдуллахон II (1557-1598) Мовароуннахрни бирлаштириш, марказлашган давлат тузиш ва уни мастаҳкамлаш учун олиб борган тинимсиз курашлар давомида бир неча марта муҳим сиёсий, ҳарбий тадбирлар билан

хозирги Жиззах шаҳри, унинг ён-теварагидаги қалъа-қўрғонлар - Учтепа, Кўкгумбаз, Работи Малик, Йом, Пешағор, Ардаҳшон, Аччи, Зомин ва бошқа кентларда бўлган [Пардаев А.Х., 2004. 50 б ].

Хофиз Таниш Бухорий асарининг «Соҳибқирон ҳазратларининг Бобосултон билан урушиш қасдида Зомин вилояти томон юзланиши» бобида қуидаги сатрлар мавжуд. «Икки тараф паҳлавонлари Работи Малик деган жойда учрашдилар. Катта жанг бошланиб, қаттиқ уруш юз берди» [Хофиз Таниш ал-Бухорий, 1999. 302 б].

Юқорида келтирилган манбалар маълумотларини таҳлил қилган ҳолда айтишимиз мумкинки, Кармана чўлидаги Работи Маликдан (хозирги номи Малик Работ) ташқари мазкур ном билан аталувчи работ Жиззах воҳасида мавжуд бўлган. Аниқланишича, Работи Малик Жиззахдан 24 км жанубий-шарқда жойлашган ҳозирги Равот қишлоғи ҳудудида бўлган.

Дарҳақиқат, археологик маълумотларга кўра Равот қишлоғининг жануб томонида бир-биридан 400 м масофа узоқликда Тўрткултепа, Номсиз тепа номли қадимги қўрғон ўринлари сақланиб қолган ва уларнинг сўнгги қурилиш даври XVI-XVII асрларга оидdir [Пардаев М., 1995. 8 б].

Булардан Номсиз шаҳар харобалари тўхталадиган булсак, у Учқиз қишлоғидан 800 м шимолий-ғарбда, Равотсойнинг чап қирғоғида тахминан 0,5 км<sup>2</sup> ҳудудий кенгликда 5 та ёдгорлик жойлашган. Ёдгорликлар комплексининг марказида трапеция шаклидаги тепа мазкур обидаларнинг асосини ташкил қиласи. Тепа шимол-жануб йўналиши бўйича чўзилиб кетган бўлиб, унинг томонлари ўлчамлари 120x35-20 м.га, баландлиги 8 м.га teng. Ёдгорликнинг устидан V-VIII, XVI аср материаллари йиғиб олинди. Мазкур археология обидасини ушбу ёдгорликлар комплекси шахристони, унинг атрофидаги тепаларни рабодлар деб қабул қилиш мумкин. Уларнинг номи номаълум бўлгани сабабли рабод деб қайд этамиз ва рақамлаймиз.

1-рабод марказий комплексдан 20 м шимолда жойлашган, ёдгорлик чўзинчоқсимон айлана шаклида бўлиб, унинг диаметри 20 м. га, баландлиги 5 м. га teng.

2-рабод марказий комплексдан 120 м шимоли-ғарбда жойлашган. Шакли тухумсимон, ўлчамлари  $15 \times 7 \times 25$  м.га, баландлиги 5 м.га тенг.

3-рабод марказий комплексдан 180 м шимоли-шарқда жойлашган. Кўриниши тухумсимон шаклда, жануб-шимол йўналиши бўйича чўзилган, жанубий томони қирқиб олинган. Ўлчамлари  $5-3 \times 30$  м, баландлиги 4 м.

4-рабод шахристоннинг жануб томонида, Раватсойнинг чап қирғоғида жойлашган. Ёдгорликнинг шакли тўғри тўртбурчак кўринишда, ўлчамлари  $60 \times 40$  м.ни, баландлиги 6 м. ни ташкил қиласди. Унинг устидан VI-VIII, XV-XVI асрларга оид сопол идиш парчалари топилди[Пардаев М.,2015. 61 б].

2022 йил (баҳор мавсуми)дала тадқиқотларида ушбу шаҳар ёдгорлигига археологик қазув тадқиқотлари амалга оширилди. Қазув тадқиқотлари натижасида ёдгорликнинг  $7 \times 8$  м. майдонида планиграфик қазув ишлари ўтказилди. Юқоридан ҳисоблаганда биринчи пол сатҳи  $0,9-1$  м пастдан очилди. Бу ердан хом ва пишган ғишт ( $27 \times 27 \times 5$  см.) дан қалинлиги 80-90 см. бўлган девор қолдиқлари ва XV-XVI асрларга оид (сирланган ва сирланмаган) куллоллик идишлари наъмуналари (лаган, чуқур товоқ, коса ва ҳ.) қайд этилди. Археологик қазув тадқиқотлари давом эттирилмоқда.

Демак, бизнинг фикримизча сўнгти ўрта аср манбаларида келтириб ўтилган Работи Малик айни Номсиз шаҳар харобалари ўрнида бўлган. Бу фикримизга асос сифатида яна шуни айтиш мумкинки, Уч қиз қишлоғини ўртасида, катта йўл ёқасида, текисланган тепалик устида Малик ота номли масжид жойлашган. Уч қиз қишлоғилик оқсоқол Пирназар бобо Пиримқуловнинг айтишича, масжид курилмасдан аввал бу ер тепалик бўлган. Тепаликнинг ҳозирги кўриниши  $50 \times 50$  м.ли квадрат шаклга эга. Унинг ғарбий қисмида ҳажми  $10 \times 10$  м.баландлиги 2 м бўлган тепача сақланиб қолган ва бу ер Малик отанинг қадамжойи сифатида муқаддаслаштирилган [Пардаев М.,2015. 61 б]. Кўриниб турибдики манбаларда келтирилган Работи Малик деб аталувчи тарихий жой номи Жиззах шаҳридан 24 км жанубий-шарқда жойлашган ҳозирги Равот қишлоғи ва Малик ота қадамжоси номлари билан сақланиб қолган.

Хулоса қилиш мумкинки, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»ларида “Малик работ”, Хофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома»сида “Работи Малик”, “Малик”, Бобур Мирзонинг «Бобурнома»сида “Работ қўргони” номлари билан қайд этилган мавзелар аслида бир жойнинг турлича номланишидир. Ҳозирги Равот қишлоғи ҳудудида XIV-XVI аср археологик ёдгорлиги – Номсиз шаҳар харобалари сақланиб қолган. Уструшонашунос археологларнинг фикрича манбаларда қайд этилган Малик работ (Работи Малик) қўргонининг ўрни айнан ушбу Номсиз шаҳар харобалари ўрнида бўлган. Буни археологик қазув тадқиқотларида қайд этилган моддий маданият ашёлари (куллолик идишлари наъмуналари, танга қолдиқлари ва х.) исботлаб беради. Шундай экан, биз XIV-XVI асрлар манбаларида келтирилган Малик работ (Работи Малик)ни ҳозирги Шароф Рашидов тумани Равот қишлоғи жойлашган Номсиз шаҳар харобалари ўрнида бўлган деб, локализация қиласиз. Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар натижасида Жиззах шаҳри маҳаллаларидан бири бўлган Равотлик маҳалласининг аждодлари Малик работ (Работи Малик) - Равот қишлоғидан бўлганлиги ўз тасдиғини топган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Аминжанова М., Желтова Г.И. Ўзбекистон тарихидан лавҳалар. Тошкент. 1974.
2. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома («Шарафномайи шохий»). Биринчи китоб. Тошкент.1999.
3. Низомиддин Шомий. «Зафарнома». Тошкент. 1996.
4. Пардаев М., Суюнов С. Шимолий - Ғарбий Уструшонанинг сугорилиши тарихидан //Ўзбекистон қадимда ва Ўрта асрларда. Самарқанд. 1995.
5. Пардаев А.Ҳ. Жиззах беклиги - Ўрта Осиё ҳонликлари даврида (XVI асрдан - XIX асрнинг 60 - йилларигача). диссертация қўлёзмаси. Тошкент. 2004.
6. Пардаев М., Раҳмонов Ҳ., Пардаев Ш. Шимолий-ғарбий Уструшонанинг археология харитасига доир сўнгти маълумотлар // Ўзбекистон археологияси № 1 (10). Самарқанд. 2015.
7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Тошкент. 1989.
8. Шарафуддин Али Йаздий. «Зафарнома» Тошкент. 1992.